ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ БОЛАЛАР МАТБУОТИ ТАЖРИБАСИ

М.Юнусов

Мақолада глобаллашув шароитида жаҳоннинг бир қатор ривожланган давлатлари: Россия, АҚШ ва Канада мисолида болалар матуботи фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ёритилади. Хорижий болалар матбуот нашрларининг бугунги кундаги фаолияти Ўзбекистондаги миллий болалар нашрларига қиёслаган ҳолда ўрганилган.

***Калит сўзлар**: глобаллашув, матбуот, журнал, газета, реклама, бола психологияси.*

В статье анализируются особенности детской прессы таких стран, как Россия, США и Канада в условиях глобализации. Деятельность иностранной детской прессы изучена в сравнении с деятельностью национальной детской прессы Узбекистана.

***Ключевые слова**: глобализация, печать, журнал, газета, реклама, психология ребенка.*

This article analyzes the peculiarities of the activities of children's press in the context of globalization in such countries as Russia, the United States and Canada. Activities of foreign children's press were investigated in comparison with the activity of national children's press of Uzbekistan.

***Key words**: globalization, press, magazine, newspaper, advertising, child psychology.*

Глобаллашув жараёнида хорижий болалар матбуоти тажрибасини ёритишдан олдин глобаллашув атамасига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Соҳа мутахассислари тадқиқотларидан аслида глобаллашув атамаси ўтган асрнинг 70-80-йилларида тор доирадаги геосиёсий, макроиқтисодий ва сиёсий-мафкуравий адабиётларда пайдо бўлгани ойдинлашади. Шахсий кузатишларимиздан эса шу нарса аён бўлдики, глобаллашувнинг бу қадар шиддат билан ривожланишига ўтган асрнинг 90-йилларига келиб «совуқ уруш»нинг барҳам топиши, бунинг оқибатида халқаро муносабатларда кучлар нисбатининг бутунлай ўзгариши, аввалги «икки қутбли дунё»дан иборат жаҳон сиёсий харитаси аста-секинлик билан «кўп қутбли дунё»га айлана бошлагани фаол таъсир кўрсатганини, шунингдек, «совуқ уруш» барҳам топиши билан ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар олиб борувчи илмий марказларга бўлган талаб кутилгандек пасаймагани, аксинча, бир неча баравар ортганини алоҳида таъкидлайди [1].

Япониялик профессор Масамичи Сасаки «Японияда миллий ўзига хослик ва глобаллашув» номли мақоласида унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ акс эттирадиган яхлит концепциянинг йўқлигини алоҳида таъкидлаган. М.Сасаки глобаллашув жараёнига таъриф беришнинг ниҳоятда мураккаблигини қуйидагилар билан боғлиқ ҳолда кўрсатади:

биринчидан, глобаллашув жараёни ҳали тугалланмаган, давом этаётган жараён ҳисобланади;

иккинчидан, ҳозиргача глобаллашув жараёнининг таъсир имкониятлари тўлиқ тушуниб етилмаган;

учинчидан, унинг истиқболда инсонлар, миллатлар, халқлар ва давлатлараро муносабатларга қандай даражада таъсир кўрсатиш йўналишлари аниқланмаган [2.36].

Олим шу каби омилларга таянган ҳолда ҳали тугалланмаган жараённинг моҳиятини тўла ифодаловчи таъриф ёки мукаммал концепция яратилмаганини билдиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, «глобаллашув инсоният ва жамият тараққиётидаги навбатдаги босқич бўлиб, барча соҳалардаги ижтимоий муносабатлар интеграцияси таъсирида вужудга келган умуминсоний тамойиллар ва нормаларнинг қарор топиш жараёнидир» [2.38] деган фикр билан чекланади.

Дарҳақиқат, бугунга келиб глобаллашув жараёни тезкор суръатларда авж олди. У барча жабҳаларни, жумладан, журналистика соҳасини ҳам тамомила забт этди. Албатта, болалар матбуоти ҳам бу жараёндан ташқарида эмас.

Ушбу мақолада глобаллашув жараёнида хорижий болалар матбуоти тажрибасига тўхталамиз. Мавзуни имкон қадар кенгроқ ёритиш мақсадида хорижда чоп этилаётган бир неча газета ва журналлар фаолияти хусусида сўз юритамиз.

Россияда айни пайтда энг яхши миллий анъаналарга таянган болалар журналистикаси шаклланмоқда. Янги журнал ва газеталар ноширлари бу борада XVIII аср охири – XX аср бошларида чоп этилган русча нашрлар анъаналарига таянмоқда. Ҳозирги кунда Россияда чоп этилаётган болалар нашрлари оммавий ахборот воситалари умумий тизимининг алоҳида тармоғи ҳисобланади. Газета

ва журналларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда болалар аудиториясининг ёши аниқ тарзда инобатга олинган. Ҳар бир нашр болалар ва ўсмирларни тарбиялашда фаол ва ўз ўрнига эга.

Россияда чоп этилаётган бир қатор болалар нашрлари саҳифаларини кузатарканмиз, газета ва журналлар мунтазам равишда маҳаллий болалар телевидениеси ҳамда радиоси, шунингдек, ҳар хил ижтимоий институтлар, педагогик жараёнларда иштирок этадиган (таълим, фан, маданият) муассаса ва ташкилотлар билан бевосита ҳамкорликда фаолият юритаётганига, бундай алоқалар, айниқса, XXI асрда, яъни сайёрамизда ахборот хуружи авжга чиққан бир паллада янада равнақ топаётганига амин бўлдик.

Умумроссия китоб палатасининг маълумотларидан маълум бўлишича, Россияда 1986 йили 15 та пионерлар газетаси ва 36 та болалар журнали, 1996 йилга келиб эса 40 та газета ва 80 дан кўп журнал чоп этилган. 2016 йилнинг I ва II чорагида Россияда чоп этилаётган газета ва журналлар сони 9130 тага етди. Шундан 82 та газета 128 та журнал болалар нашри саналади [3].

Россияда чоп этилаётган барча болалар нашрлари болаларнинг ёш кўрсаткичига боғлиқ ҳолда 4 тургa бўлинади. Булар мактабгача таълим муассасалари учун («Новая игрушечка»), кичик ёшдаги ўқувчилар учун («Поиграем в сказку»), ўспиринлар ва юқори синф ўқувчилари учун («Пионерская правда», «Глагол», «Пионер», «Юный натуралист») чоп этиладиган нашрлардир. Нашриёт ва таҳририят газета ва журналларнинг қайси ёшга мўлжалланганини инобатга олиб, унинг мундарижаси, тузилиши, шакли ва ҳажмини аниқлайди [4].

Россияда чоп этилаётган болалар нашрлари мақсадига кўра 3 асосий гуруҳга бўлинади:

• умумий олам ҳақида тасаввур берувчи, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи, ижтимоий ва ишлаб чиқаришга ҳамда бошқа муаммоларга оид онгли танловларни юзага келтирувчи ахборий-публицистик гуруҳ («Пионерская правда», «Глагол»);

• фан, техника, санъатга оид нашрлар ҳамда тафаккур, дунёқараш ва диний таълимни ошириш имконини берувчи диний нашрлар;

• ҳордиқ чиқаришга кўмаклашувчи кўнгилочар нашрлар.

Шу билан бирга, болаларнинг ахлоқий тарбиясини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган унча катта бўлмаган гуруҳ ҳам мавжуд бўлиб, бунда асосан бадиий асарлар нашр этилади. Аммо журналларда ёритиладиган машҳур адабиёт, санъатга оид ва тарихий асарлар мутолаасида бола билан бирга катталар ҳам иштирок этиши тақозо этилади. Кўпгина болалар нашрлари «кўнгилочар-ўқишли» тамойили асосида яратилади. Бундай адабиётларда ўйинли шакллардан фойдаланилади.

Шу ўринда айни кунларда Россияда чоп этилаётган бир неча болалар нашри тажрибасига тўхталсак:

«Пионерская правда» («Пионерлар ҳақиқати») газетаси дунё бўйича ниҳоятда катта ададда чиқадиган болалар газетасидир. Ушбу газетани мамлакатнинг турли бурчакларида яшовчи 10 миллиондан кўп ўқувчи ҳафтасига икки марта мутолаа қилишади. Шунингдек, ушбу нашр Россиядаги республика ва вилоят марказларида, жами 27 та босмахонада қайта чоп этилади.

Ёш ўқитувчилар асос солган машҳур *«Юный строитель»* («Ёш қурувчи») журналининг биринчи сони 1923 йилда чиққан. Дастлаб «Ишчилар газетаси» деб аталган ушбу нашр бир пайтларда 100 000 нусхада чоп этилган. Бу ерда энг яхши совет ёзувчиларининг асарлари, илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинган. Журналда болалар учун махсус *«Красные маки» («Қизилгиёҳ»)* бўлими ташкил этилган. Бундан 1924 йилдан ҳозирги кунгача таниқли бўлган *«Мурзилка»* журнали вужудга келган.

«Мурзилка» журнали тезда оммалашавермаган. Унинг биринчи сони ҳар хил ўйинчоқлар ҳақидаги «маҳмадоналик»лар билан тўлдирилганди. Бундан ташқари уни ҳар хил кичик муаммолар ҳам забт этганди. Журналнинг кейинги сонларида эса болалар тилида гапиришда устаси фаранг ёзувчилар С.Маршак, А.Барто, К.Чуковский, А.Гайдарлар иштирок эттирилди ва шу тариқа «Мурзилка» журналининг безаги ҳам, сифати ҳам яхши томонга ўзгаришларга юз тута бошлади» [4]. Журнал таниқли иллюстрациячи-рассомлар А.Дейнеки, Е.Чарушина, М.Черемнихлар томонидан кўркам тарзда безатилди.

Россия Болалар жамғармаси ёш авлодни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида болалар учун янги нашр чоп эттирди. *«Школьная роман-газета»* («Мактаб роман-газетаси») деб номланган журнал гуманитар йўналишда бўлиб, ажойиб безатилган ва ҳар ойда бир марта чиқадиган таълимий журналдир. Ушбу журнал Россия Федерациясининг Умумий ва профессионал таълим вазирлиги томонидан тавсия қилинган бўлиб, 6-11-синф ўқувчиларига синфдан ташқари ўқишга мўлжалланган. 1996 йил январдан буён чоп этилмоқда. Саҳифаларида миллий ва жаҳон бадиий адабиётининг энг сара вакиллари асарлари чоп этилмоқда. Журналнинг ичида *«Большая перемена» («Катта танаффус»)* деб номланган журнал илова қилинади. Унда ёш болаларнинг замонавий ҳаётига бағишланган қувноқ ва англашга даъват этувчи материаллар эълон қилинади.

Журналда мунтазам равишда эълон қилиб бориладиган ўқувчилар хатларига таяниб, биз мазкур нашрни ҳозирги кунда ёш ўқувчилар орасида энг оммабопларидан бири дейишимиз мумкин.

АҚШ. Америка матбуотини ўрганиш жараёнида газета ва журнал таҳририятлари таҳририят ва ходимлар учун иқтисодий қулайликлар яратган ҳолда асосий эътиборини даромад топишга қаратиши кузатилди. Бу омил фақат рекламага ихтисослашган газеталар учунгина хос бўлиб қолмай, мамлакатда чоп этилаётган барча тармоқ нашрлари, жумладан, болалар нашрларига ҳам хослигини англадик.

Глобаллашув жараёнида АҚШ болалар нашрлари тажрибасидан унумли фойдаланиш учун бизда ҳам рекламага эътибор кучайтирилиши, таҳририятлар қошида мустаҳкам базага эга реклама бўлимлари ва жойларда унинг шохобчалари очилиши керак. Болаларга мўлжаллаб ишлаб чиқариладиган ҳар қандай маҳсулотларни катталар нашрида эмас, айнан болалар нашрларида чоп этиш ишларини йўлга қўйиш даркор. Бунинг учун бундай нашрларни қизиқарли ва оммабоп тарзда чиқариш шарт, саҳифаларда болаларбоп ранг-баранг мавзулар ёритилмоғи лозим ва энг муҳими, нашр ададини босқичма-босқич ошириб боришга эришмоқ керак.

АҚШда 2015 йилнинг 23 майигача 1422 та кунлик ва 6253 та ҳафталик газета нашр этилган. Улар орасида болалар нашрлари ҳам бор. АҚШдаги энг машҳур болалар учун нашрлар «Children`s Newspaper», «Ranger Rick», «First News», «Child Friendly News», The Newspaper», Kids Post», Kid Scoop News», «Robinage», «Crossword», «Kids fair», «Kids Day», «Chicken!», «Weekly Reader», «New Flash», «The Daily News», «Kentish gazette», «The Sunday Times»дир. Мазкур газеталарнинг барчасида болалар мавзуси кенг кўламда ёритилади. Улар орасидаги бир қатор газеталар дастлаб АҚШдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий нашрларнинг иловалари бўлган.

Айни чоғда «Kids Post» газетаси болаларнинг энг севимли нашри бўлиб, ҳафтасига бир марта рангли тарзда чоп этилади. Газета саҳифаларидан турли-туман жанрларга оид мақолаларни топиш мумкин. Жажжи болакайлар билан суҳбатлар, интервьюлар, тадбир ва маросимлардан репортажлар, ёш мухбирлар томонидан тайёрланган алоҳида саҳифалар, ижтимоий, маданий, маиший, ҳатто сиёсий мавзуларга бағишланган материаллар билан бирга кўнгилочар мавзулардаги мақолалар, жумладан, ҳар хил сканворд, кроссворд, чайнворд, ребус, 3 юришда, 4 юришда мот қилиш топшириғи берилган шахмат ўйинларини ҳам учратиш мумкин.

АҚШдаги энг ёши улуғ болалар нашрларидан бири бўлмиш *«Ranger Rick»* журнали Ёввойи табиат миллий федерацияси томонидан чоп этилади. Мазкур нашр 2015 йилда 525 минг нусхада чиққан. Болаларнинг ушбу севимли нашри «Parent`s Choice» ва «Association of Educational Publishers Distinguished Achievement Award» сингари машҳур танловларнинг «Энг яхши болалар нашри», «Энг яхши тарих», Энг яхши фотограф», «Энг яхши мақола дизайни», «Энг яхши нақшинкор журнал», «Ўқитувчилар учун энг яхши қўлланма», «Энг яхши маърифий веб-сайт» номинациялари бўйича ҳамиша нуфузли мукофотларни қўлга киритиб келган [5.1007].

Канада. Канадада ёш авлодни тарбиялашда ўз ўрнига ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бир қатор болалар журналлари давлат ва хайрия ташкилотлари ҳомийлигида чоп этилади. Бунга 1975 йилдан буён Миллий география ҳамжамиятининг машҳур «National Geographic» нашриёти муассислигида чиқаётган *«National Geographic Kids»* журнали мисол бўла олади. Ушбу журнал 2014 йилда 1.4 миллион нусхада чоп этилган. Мазкур нашриётга тегишли бўлган 18 та нашр Болгария, Хорватия, Миср, Греция, Венгрия, Индонезия, Исроил, Лотин Америкаси давлатлари, Нидерландия, Бельгия, Руминия, Россия, Сербия, Словения, Жанубий Африка Республикаси, Туркия ва Буюк Британияда расмий тарзда тарқатилади.

Журнал Миллий география ҳамжамиятининг ҳар хил медиа платформасида доимий равишда реклама билан иштирок этиши, шунингдек, ўз фаолиятини кенг кўламда «National Geographic Kids» сайти бўлмиш http://www.nationalgeographic.com ва http://natgeotv.com/ru ҳамда «National Geographic Channel HD», «Nat Geo Music», «Nat Geo Junior», «Nat Geo Wild» ва «Adventure» ТВ каналлари орқали тарқатиши туфайли машҳурлик шоҳсупасига кўтарилишга муваффақ бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, журнал сайёрамиз экологияси ҳамда ёввойи табиатини асрашни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган турли хил танловлар, ютуқли ўйинлар ва ҳар хил акцияларни мунтазам ўтказиб туради [5].

Канададаги яна бир машҳур болалар тарихий журнали «Kayak» [5.1009-1010] ҳар чоракда бир марта Канада миллий тарихий жамияти, қисман, Канада ҳукумати Миллий мерос масалалари бўйича департаментининг молиявий кўмагида чоп этилади. Айни пайтда 95 минг нусхада чоп этилаётган ушбу журнал машҳур «Parent`s Choice» («Ота-оналар танлови») ассоциацияси томонидан «Дунёдаги энг яхши тарихий болалар нашри» дея алоҳида эътироф этилган. Гарчи «Kayak» нашри «National Geographic Kids» журнали каби катта нусхада чиқмаса-да, мамлакатда ўзига хос нуфузга эга. Журналда мунтазам миллий тарихий воқеалар, анъаналар кенг кўламда ёритилади.

Ушбу нашр нафақат рекламадан келган даромад ва обуначилар ҳисобига, балки давлат грантлари, мукофотлари ҳамда Канада ҳукуматининг доимий ҳомийлиги туфайли шуҳрат қозонган.

Кузатишларимиздан шу нарса аён бўлдики, АҚШ ва Канадада нашр этиладиган барча йирик босма нашрларда болаларга мўлжалланган махсус иловалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Айни пайтда АҚШ ва бошқа хорижий давлатлар нашрларига тегишли бўлган бундай жараёнлар Ўзбекистондаги нашрларда кам бўлса-да, кузатилмоқда. Юртимизда ҳозирги кунда оммабоплиги билан пешқадамлик қилаётган «Даракчи», «Суғдиёна», «Бекажон», «Оила даврасида» газеталарида болаларга мўлжалланган махсус саҳифалар бор. Масалан, «Даракчи» газетасининг 55-бетида мунтазам «Darakchi-Shirintoy» саҳифаси бериб борилади. Суғдиёна газетасида «Sug`diyona-Shirintoy» саҳифаси мавжуд, «Оила даврасида» газетаси эса «Bilmasvoy» иловасини рангли тарзда чоп этиб келмоқда. Лекин атиги 1 ёки 2 бетдан иборат бўлган бундай саҳифалар, албатта, жажжи ўқувчилар учун ниҳоятда камлик қилади. Саҳифаларни замон зайлига мослаштирган ҳолда кўпайтириш, уларни аста-секин иловага айлантириш ва мавриди келганда алоҳида ном билан махсус газета сифатида чоп этиш лозим. Бу борада хориждаги кўпгина нашрлар тажрибасини босқичма-босқич ўзлаштириш керак.

Глобаллашув жараёнида халқаро тажриба ва ютуқларга таяниш ҳар бир журналист ёки жамоанинг ютуқларини янада мукаммаллаштиришга, ривожлантиришга яхши таъсир кўрсатади.

Албатта, чет эл болалар нашрларига эътибор қаратганда уларнинг ҳаммасини бир хил даражада ўзлаштириш, ўрганиш мақсадга мувофиқ келмайди. Бу борада энг янги, илгари ҳеч қаерда айтилмаган нарсаларни танлай олиш лозим. Энг аввало, болалар учун нималар зарур, нималарни айтиш керак, шуларни инобатга олган маъқул. Бунинг учун ўтган воқеалар ва янги воқеаларни, шунингдек, ўзимизда нималар бор ва нималар йўқлигини билган ҳолда ажрата олиш лозим. Керакли манбалардан фойдаланиб, зарур бўлмаганларига эса танқидий кўз билан қарашни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Юртимизда диний мавзуларни ёритадиган, мутахассислар томонидан Ислом динининг мазмунмоҳиятини болаларбоп тилда теран тушунтириб борадиган, мусулмончилик қоидаларини ўргатадиган ойлик диний журнал чоп этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу орқали болаларимиз улғайганда уларнинг ҳар хил диний оқимларга кириб кетиши олди олинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда чоп этилаётган газета ва журналлар ҳам худди Россия, АҚШ, Канададагидай маҳаллий болалар телевидениеси ҳамда радиоси, шунингдек, ҳар хил ижтимоий институтлар, педагогик жараёнларда иштирок этадиган муассаса ва ташкилотлар билан бевосита ҳамкорликда фаолият юритишни йўлга қўйиши лозим. Айни пайтда «Jajji akademik» журнали жамоасининг ЎзМУ билан ҳамкорликда туркум мақолалар тайёрлаётгани диққатга сазовор. Шунингдек, Россиядагидек ёш мухбирлар матбуотини (бу анъана ҳозирги кунда мамлакатимизда чоп этилаётган «Класс!» газетасида бор. Аммо битта газета билан чекланиб қолиш керак эмас) ташкил этиш, болалар ва ўспиринлар иштирокида янги нашрлар чиқаришни йўлга қўйиш керак.

АҚШ ва Канаданинг нашр ишларида рекламадан усталик билан фойдаланиш тажрибаси Ўзбекистонда яхши ривожланмаган. Юртимизда чоп этилаётган барча нашрлар, жумладан, болалар нашрлари ҳам, асосан, газета ёки журнал муассисларининг даромадига ва жуда кам миқдорда реклама тушумига таянади. Демак, чет эллардаги бундай тажрибаларни ҳар томонлама ўзлаштириш тақозо этилади.

Адабиётлар:

1. Ҳамроев Э. Глобаллашув ва «оммавий маданият». / Инсон ва қонун.- 2012.- 11 сентябрь.

2. Сасаки М. Японияда миллий ўзига хослик ва глобаллашув. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. - Т., 2014.

3. Статистика Российская книжная палата. Выпуск газет по тематике в I-II квартале 2016 г.

4. Семёнова О.К. Становление детской журналистики и влияние её на психологию ребёнка. / Университет Российской Академии образования. Дипломная работа. –М., 2012 г.

5. Теплицкая А.А. Детский научно-познавательный журнал как социально значимый государственный проект // Молодой ученый. – 2015.- №7.

Ўзбекистон Миллий университети,
2018 йил 5 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)